

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**700** 2017 — 2021 йилларда йилқичилик ва от спортини  
комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 июндаги ПҚ–3057-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2017 — 2021 йилларда йилқичилик ва от спортини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси белгиланган тартибда «Марказий ипподром» АЖ устав капиталидаги давлат улушини Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерациясига ишончли бошқарувга берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон йилқи-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

чилик ва от спорти федерацияси, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Марказий ипподром» АЖ бошқарув органларининг:

«Марказий ипподром» АЖ устав капиталини жамиятдаги қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларини яқунлаш бўйича тайёрланадиган лойиҳа-смета ҳужжатларида аниқланган қийматга (миқдорга) қўшимча акциялар чиқариш йўли билан ошириш;

«Марказий ипподром» АЖнинг қўшимча чиқарилган акцияларини «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ томонидан сотиб олиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. «Марказий ипподром» АЖ объектидаги қолдиқ қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини аниқлаш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (З.Т. Мирзаев) (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) бир ой муддатда «Марказий ипподром» АЖ объектидаги қолдиқ қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини аниқлаб, лойиҳа-смета ҳужжатларини Халқаро ва Осиё от спорти федерацияси талабларига мувофиқ тайёрлаш бўйича лойиҳалаш ташкилотларига киритсин.

5. «Марказий ипподром» АЖ объектидаги қолдиқ қурилиши бўйича қуйидагилар:

«Марказий ипподром» АЖ — буюртмачи этиб;

«SDS Proekt» МЧЖ — бош лойиҳалаш ташкилоти этиб;

«Binokor maxsus ta'mir qurilish» МЧЖ — бош пудратчи этиб;

«Радиоолоқа, радиоэшиттириш ва телевидения марказининг қурилаётган объектлар дирекцияси» ДУК — шартнома асосида техник назоратни олиб боровчи этиб белгилансин.

6. Халқаро ва Осиё от спорти федерациясининг от спорти бўйича талаблари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, «Марказий ипподром» АЖ объектидаги қурилиш ишларини биринчи босқичини жорий йилда яқунлаш учун истисно тариқасида «Марказий ипподром» АЖ объектидаги қурилиш-монтаж ва лойиҳалаш ишларини бир вақтда амалга оширишга рухсат этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерацияси билан биргаликда «Марказий Ипподром» АЖ объектидаги қурилиш ишларини замонавий архитектура талаблари ҳамда Халқаро ва Осиё от спорти федерациялари талабларига мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерацияси билан биргаликда от спорти бўйича республика терма жамоасини жаҳон ареналаридаги халқаро турнирларга пухта тайёргарлик кўриши учун «Марказий ипподром» АЖ ва От спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби таркибида От спорти бўйича республика терма жамоаси аъзоларини тайёрлаш марказини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

Иқтисодиёт вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан биргаликда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига белгиланган қабул квотаси доирасида ҳамда Нукус Олимпия захиралари коллежи, Наманган Олимпия захиралари коллежи ҳамда Тойлоқ Олимпия захиралари коллежида умумий контингент доирасида от спорти йўналишини очилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказий ипподром» АЖнинг от спорти бўйича асосий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 декабрдаги 317-сон қарорининг 4-банди иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 19 июль,  
517-сон

**2017 — 2021 йилларда йилқичилик ва от спортини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш шакли	Масъуллар
<b>I. Йилқичилик ва от спортини соҳасида норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича</b>					
1.	Республикадаги от зотлари бўйича талаблар, зотлар ўртасида фарқланиш, ўхшашлик ва уларнинг барқарорлик талаблари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2018 йил IV чорак	-	Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси «Ўзстандарт» агентлиги
2.	Анъанавий равишда улоқ-кўпқари ва бошқа миллий ҳамда классик от ўйинларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2017 йил IV чорак	-	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси
<b>II. Наслдор от зотларини кўпайтириш бўйича</b>					
3.	Республикадаги барча тоифада хўжаликларда мавжуд наслли отларни рўйхатга олиш ва уларни паспортлаштириш	2018 йил I ярим йилликда (ҳар 5 йилда)	Ўз маблаглари ҳисобидан	Комплекс чора-тадбирлар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси
4.	Қорабайир зотли отларнинг наслини яхшилаш, янги линия ва оилаларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш	Доимий	Лойиҳа учун ажратилган маблаглар ҳисобидан	Комплекс чора-тадбирлар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти
5.	Отларни сунъий уруғлантириш ва эмбрионлар трансплантациясини йўлга қўйиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш	2018 йил II чорак	-	Комплекс чора-тадбирлар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси
6.	Йилқичилик йўналишидаги наслчилик хўжаликларидagi селекция ишлари натижаларини баҳолаш мақсадида наслдор ва спорт отларини танлаш бўйича кўргазма ҳамда мусобақалар ўтказиш	2017 — 2021 йилларда	Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш жамғармаси	Комплекс чора-тадбирлар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси
7.	Халқаро от спортини федерацияси регламенти бўйича республика ва халқаро миқёсида от спортини ўйинларида иштирок этувчи отларни касалликларга қарши эмлаш	2017 — 2021 йилларда	Бюджет маблаглари ва от эгалари маблаглари	Комплекс чора-тадбирлар	Давлат ветеринария қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси
8.	Отларнинг касалликларига тезкор ташхис қўйиш бўйича замонавий диагностика лабораториясини ташкил этиш	2019 йил II чорак	Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш жамғармаси	Комплекс чора-тадбирлар	Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси, «Марказий ипподром» АЖ

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш шакли	Масъуллар
9.	Отларнинг касалликларига тезкор ташхис қўйиш ва уни самарали усуллар билан даволаш мақсадида замонавий ветеринария клиникасини ташкил этиш	2018 йил II чорак	Ўз маблағлари ва тижорат банк кредитлари	Комплекс чоратадбирлар	Тошкент вилояти ҳокимлиги «Асака банк» АТБ, «Диёра файз гулшани» ХК
<b>III. От спорти турларини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича</b>					
10.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун халқаро от спорти мусобақасини ўтказиш ва уни Халқаро от спорти федерацияси (FEI) мусобақалари реестрига киритиш	2018 — 2021 йилларда	Давлат бюджети ҳамда Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш жамғармаси	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси
11.	Тошкент шаҳрида Халқаро от спорти федерациясининг Бош ассамблеяси йиғилиши ўтказилишини ташкил қилиш	2019 йил	Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш жамғармаси	Комплекс чоратадбирлар	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси
12.	Сайёҳлик йўналиши бўйича турлар ташкил этиш учун республика ҳудудидаги от спорти клублари ва отчопарларда ўтказиладиган халқаро ва республика мусобақалари режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва сайёҳлик соҳаси субъектларига тақдим қилиш	2017 — 2021 йилларда	-	Режа-жадвал	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
13.	Республикаimizдаги барча от спорти клубларида иппотерапия марказларини ташкил этиш	2017 йил IV чорак	Ўз маблағлари ҳисобидан	Комплекс чоратадбирлар	Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
14.	От спорти тарихи ва унда эришилган ютуқлар, соҳани ривожлантиришга оид тадбирлар, клублар, мактаблар, мураббийлар ва йилқичилик мутахассислари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш	2017 — 2021 йилларда	-	Комплекс чоратадбирлар	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси
<b>IV. Йилқичилик ва от спорти мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг йилқичилик ва от спорти бўйича илгор тажрибаларини жорий этиш бўйича</b>					
15.	От спорти мураббийлари, ҳакамлар, ветеринарлар ва тақачилар республика мактабини ташкил этиш	2018 йил I чорак	Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш жамғармаси	Идоравий ҳужжат	Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, «Марказий ипподром» АЖ
16.	Йилқичилик мутахассислари ва от спорти мураббийларини тайёрлаш талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш	2018 йил I чорак	-	Идоравий ҳужжат	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
17.	Йилқичиликда наслчилик ишларини йўлга қўйиш ва отлар касалликларини диагностика қилиш бўйича хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш	Ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида	Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш жамғармаси	Режа график	Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Амалга ошириш шакли	Масъуллар
	мақсадида улар билан музокаралар олиб бориш ва мутахассисларни чет элларга юбориш бўйича ҳар йили режа-график ишлаб чиқиш.				
18.	Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасаларида ҳамда ветеринария йўналишидаги коллежларда йилқичилик бўйича зоотехник ва ветеринар врач мутахассисларни тайёрлаш бўйича бўлимларини очиш	2018/2019 ўқув йилидан бошлаб	-	Идоравий ҳужжат	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
19.	Республика ҳудудларида от спорт клубларини босқичма-босқич ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур инвентарлар (эгар-жабдуқ, махсус бош кийим ва бошқалар) ва жиҳозлар билан таъминлаш	2017 — 2021 йилларда	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш жамғармаси	Комплекс чоратадбирлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси
<b>V. Йилқичилик ва от спортининг моддий-техника ва озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича</b>					
20.	Қашқадарё вилоятида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖ томонидан Қорабайир зотли отларни кўпайтиришга ихтисослашган наслчилик от заводини ишга тушириш	2018 йил I чорак	Ўз маблағлари		«Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Шўртангаз-кимё мажмуаси» МЧЖ
21.	Тошкент вилоятидаги «Ўзбегим отлари» МЧЖ от заводи базасида Ахалтака зотли отларнинг соф зотли линияларига мансуб авлодларини кўпайтиришни йўлга қўйиш	2018 йил II чорак	Ўз маблағлари	-	Тошкент вилояти ҳокимлиги
22.	Тошкент вилояти Бўстонлик тумани тоғ олди ҳудудларидан «Ўзбек спорт отлари» МЧЖ спорт отларини кўпайтириш бўйича мажмуа қурилиши ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган бино ва иншоотларни қурилиш учун ер майдони ажратиш	2017 йил III чорак	Ўз маблағлари ва тижорат банк кредитлари	-	Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Асака банк» АТБ, «Ўзбек спорт отлари» МЧЖ
23.	Ҳудудлардаги мавжуд отчопарлар ва от спорти клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиш	2018 — 2021 йилларда	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш жамғармаси	Комплекс чоратадбирлар	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
24.	Йилқичиликда мустаҳкам озуқа базасини ташкил этиш мақсадида сули, арпа ва бошқа донли экинлар ажратиш ва озуқа экин майдонларини кенгайтириш юзасидан таклиф тайёрлаш	Ҳар йили 1 июлгача	-	Комплекс чоратадбирлар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 19 июлдаги 517-сонли қарорига  
2-ИЛОВА

**«Марказий ипподром» АЖ объектидаги қолдиқ қурилиш-монтаж  
ишлари ҳажмини аниқлаш бўйича ишчи гуруҳи  
ТАРКИБИ**

1. Мирзаев З. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, *ишчи гуруҳи раҳбари*
2. Зокиров Б. — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, *ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари*
3. Қурбанов Р. — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси
4. Усмонов Р. — Тошкент шаҳар хокими
5. Фуломов Р. — Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси
6. Мирсоатов А. — «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқаруви раиси
7. Абдурахмонов М. — «Алоқабанк» АТБ раиси
8. Узаков А. — «Марказий ипподром» акциядорлик жамияти бош директори
9. Шмелёв С. — От спортининг тўсиқлардан сакраш тури бўйича мураббий
10. Назаров Ф. — От спортининг тўсиқлардан сакраш тури бўйича Халқаро тоифадаги спорт устаси
11. Азизов А. — От спортининг тўсиқлардан сакраш тури бўйича мураббий
12. Ҳомидов Т. — «Binokor maxsus ta'mir qurilish» МЧЖ директори
13. Муртазохўжаев С. — «SDS Proekt» МЧЖ директори
14. Низомов Ш. — «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг қурилаётган объектлар дирекцияси» ДУК раҳбари
15. Баязитов К. — Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний тарбия ва спорт масалалари шўъбаси мудир
16. Анарбоев Э. — Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси раисининг ўринбосари, *ишчи гуруҳи котиби*.

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига янгидан тайинланган ёхуд тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.